

# “АНДИЖОН 1-СОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

Андижон вилояти, Андижон тумани,  
Гулобод МФЙ.

2022 йил 17 декабрь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Андижон вилояти, Андижон тумани, Найман КФЙ, Гулобод МФЙ жойлашган “Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: 09<sup>00</sup>

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: 09<sup>50</sup>

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: 10<sup>00</sup>

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 601 098 дона.

“Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 21 ноябрдаги мажлиси қарори талабига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - 2022 йил 13 декабр

Жамиятнинг йирик акциядори АЖ “Андижонпахтасаноат” ХБ тугатиш комиссияси раиси К.Қурбонов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. К.Қурбонов – АЖ “Андижонпахтасаноат” ХБ тугатиш комиссияси раиси;
2. А.Мамасолиев – жамият бош директори в.в.б;
3. Б.Хошимов – жамият бош бухгалтери;
4. А.Ботиров – жамият акциядори.

Шунга кўра, йиғилиш раиси этиб К.Қурбонов ва йиғилиш котиби этиб А.Ботировлар – сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи К.Қурбонов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Б.Хошимовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қағозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2022 йил 13 декабр ҳолатига шакллантирилган “Андижон 1-сон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 1110 та акциядорга тегишли 2 802 826 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 601 098 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 7 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 92.80 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишда раислик қилувчи У.Акбаралиев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## **КУН ТАРТИБИ:**

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. “Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖ ижроия органининг 2022 йил 25 ноябрдаги 01/121-сонли хатига асосан, жамият балансидаги “Асбоб-ускуна ва бошқа асосий воситалар”ни баҳоланган қийматда “Oltin mato-group” МЧЖ ва “Сохиб омад баракаси” МЧЖ кластер корхоналарига сотиш хақидаги муурожаатини кўриб чиқиш тўғрисида

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи К.Қурбонов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг авваги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг молия масалалари бўйича директори - бош ҳисобчиси Б.Хошимов, жамият кадрлар бўлими мутахассиси Р.Абидова ҳамда иш хақи ҳисоб-китоб бўйича мутахассиси М.Абдукаримов номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 601 098 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:**

- 1) Б.Хошимов;
- 2) Р.Абидова;
- 3) М.Абдукаримов.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи К.Қурбонов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 2 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 10 (ун) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш қатнашчилари ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 601 098 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорларининг 2022 йил 17 декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи К.Курбонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарорига асосан “Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖнинг бино – иншоотлари 2020 йил 07 сентябрдаги № 061-012 - сонли олди-сотди шартномасига асосан 5 (беш) йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан “Oltin mato-group” МЧЖ кластер корхонасига ва 2020 йил 18 сентябрдаги № 061-014 – сонли олди-сотди шартномасига асосан 5 (беш) йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан “Сохиб омад баракаси” МЧЖ кластер корхонасига сотилган. “Oltin mato-group” МЧЖ ва “Сохиб омад баракаси” МЧЖ кластер корхоналари “Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖ балансидаги асбоб-ускуна ва бошка асосий воситаларни ижара шартномаси асосида фойдаланиб келган ҳамда асбоб-ускуна ва бошка асосий воситаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 31 мартдаги 253-сон қарорининг 2-бандида назарда тутилган шартлар асосида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ташкилотчиларига инвестициялар киритган ҳолда, баҳолаш қийматида сотиб олиш таклифи билан чиққан.

Шунга кўра, асбоб-ускуна ва бошка асосий воситаларнинг бугунги кундаги бозор қийматини аниқлаш мақсадида **“Конкурент баҳо”** МЧЖ мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланди ва 2022 йил 24 августдаги 170-сон баҳолаш ҳисоботи олинди. Баҳолаш хулосаси “Тараққиёт ва таҳлил” МЧЖ томонидан тахлилий экспертизадан ўтказилиб, 2022 йил 06 сентябрда №07ЭХ-2022-сонли экспертиза хулосаси олинган. Унга кўра асбоб-ускуналарнинг бугунги кундаги бозор баҳоси **10 478 101 752 (Ўн миллиард тўрт юз етмиш саккиз миллион бир юз бир минг етти юз эллик икки)** сўмни ташкил этган ва баҳолаш хулосаси “Тараққиёт ва таҳлил” МЧЖ томонидан тахлилий экспертизадан ўтказилиб, 2022 йил 06 сентябрда №07ЭХ-2022-сонли экспертиза хулосаси олинган бўлиб ушбу асбоб-ускуналар баҳолаш хулосасига асосан кластер корхонасига сотиш масаласи йирик битим ҳисобланиши муносабати билан жамият кузатув кенгаши томонидан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинганлигини такидлаб ўтди.

Ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 601 098 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Oltin mato-group” МЧЖ кластер корхонасининг 2021 йил 21 декабрдаги 383 –сонли ва “Сохиб омад баракаси” МЧЖ кластер корхонасининг 2022 йил 10 сентябрдаги 136-сонли “Асбоб-ускуна ва бошка асосий воситалар”ни сотиб олиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. “Конкурент баҳо” МЧЖнинг 2022 йил 24 августдаги 170-сон баҳолаш ҳисоботи ҳамда “Тараққиёт ва таҳлил” МЧЖ нинг 2022 йил 06 сентябрдаги 07ЭХ-2022-сонли экспертиза хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖга қарашли “Асбоб-ускуна ва бошка асосий воситалар” баҳолаш қийматида 1 319 436 753 сўмга, бунга 15 фоиз ҚҚС 197 915 513 сўмни қўшган ҳолда жами 1 517 352 266 (*Бир миллиард беш юз ўн етти миллион уч юз эллик икки минг икки юз олтмиш олти*) сўмга “Oltin mato-group” МЧЖ кластер корхонасига. Шунингдек, 5 079 544 135 сўмга, бунга 15 фоиз ҚҚС 761 931 620 сўмни қўшган ҳолда жами 5 841 475 755 (*Беш миллиард саккиз юз қирқ бир миллион тўрт юз еттиш беш минг етти юз эллик беш*) сўмга “Сохиб омад баракаси” МЧЖ кластер корхоналарига сотишга розилик берилсин ва жамият Бош директори в.в.б А.Мамасолиевга қўйидаги шартлар асосида шартнома тузиш ваколати берилсин.

“Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖ ва “Oltin mato-group” МЧЖ ва “Сохиб омад баракаси” МЧЖ кластер корхоналари ўртасида “Асбоб-ускуна ва бошка асосий воситалар”ни сотиш бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасига илова қилинадиган тўлов жадвали (график)га мувофиқ маблағлар қўйидагича киритилиши таъминлансин:

- Тўлов графикларига асосан, 7 358 828 021 сўмни (ҚҚС билан) 15 фоизи 959 847 133 сўмни шартнома имзоланган санадан сўнг 15 кун ичида, қолган 6 398 980 888 сўм маблағни 3 йилга чоракма - чорак бўлиб тўлаш шарти билан тўлаб борилсин.

4. “Андижон 1-сон пахта тозалаш” АЖ балансидаги “Асбоб-ускуна ва бошка асосий воситалар”ни сотилиши бўйича шартнома тузиб, топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали “Oltin mato-group” МЧЖ ва “Сохиб омад баракаси” МЧЖ кластер корхоналарига топширилгандан сўнг, натижаси бўйича Кузатув кенгашига ва “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича Лойиха офисига ҳисобот берилсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи К.Қурбонов акциядорларга уларнинг иштироқи учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:

К. Қурбонов

Йиғилиш котиби:

А.Ботиров

Йиғилиш баённомаси 2022 йил \_\_\_\_ декабр куни икки нусхада тузилди.